ОЛТИН ОСТОНАГА БИРИНЧИ ҚАДАМ

Носир Жўраев

УЛҒАЙИШ КУНЛАРИ

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2008

84 (5Ў)6
Ж 96

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан нашр этилмоқда

Ю 34444
О

Жўраев, Носир.
Улғайиш кунлари: Шеърлар /Н. Жўраев. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. – 32 б.

Самимий тилда ёзилган ҳар қандай асар ҳам бир ўқишда кўнгилдан жой олади. Китобга жамланган шеърларда муҳаббат васф қилинган. Демак, қалбни ўртаган қўшиқни тинглаш мароқлидир.

ББК 84 (5Ў)6

Ж $\frac{4702620202 - 84}{M352(04) - 2008}$

2008/61
№/54
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M

ISBN 978-9943-03-174-6

© Носир Жўраев.
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008 йил.

Ёшлик кундалиги

СОҒИНДИМ

Паришонхаёлман, паришон хаёл,
Ўзимни зор этиб сени соғиндим.
Уч юз чақиримни олмасдан оғир,
Кипригимда тугиб, сени соғиндим.

Қалдирғоч қаноти ўзиб шамолдан
Келарми довондан нари – шимолдан.
Хат-хабар бормикин, ҳайронман, лолман,
Нафасимни ютиб, сени соғиндим.

Севгимиз шамолга, қушга боғлиқми –
Ким берган севгига бу ном-ёрлиқни?!
Биров ҳис қилганми бундай оғриқни,
Жонимни оғритиб, сени соғиндим.

Сени айбга қўйиб, эҳтимол, ҳақман,
Ахир интизорман, ахир илҳақман.
Аммо, хаёлингда борманми, йўқман,
Соғинишинг кутиб сени соғиндим.

МУМКИН

Балоғат хаёл бу, балоғат сўз бу,
Бундай ифодага фақат ишқ мумкин.
Менга роҳат аёз, фароғат куздир,
Сенга гул термоққа кузу қиш мумкин.

Шамоллар олисдан келар билмайин,
Бу ерда гулларнинг бўйлари майин.
Ялпизим, райҳоним... ва шундан кейин
Фақат атиргулга боғиниш мумкин.

Гўзалмас, сунбуллар анҳор бўйинда,
Сунбуллар чиройли мармар бўйнингда.
Сенинг ҳижронингда, сенинг кўйингда
Менга ҳамма бало, ҳамма иш мумкин.

Муҳаббат демишда эътиқод, дин йўқ,
Араз йўқ, гина йўқ, шикоят, кин йўқ,
Аммо бу дунёда мендан худбин йўқ,
Мени соғинганни соғиниш мумкин.

КУТДИНГИЗ

Соғиндим. Кутдингиз. Бормадим. Узр.
Кўнглингиз олмадим кўнгилдагидай.
Хаёлида исмим айланиб юрган,
Қизлар борлигини мен қайдан билай.

Бағрини шамолга очиб йиғлаган,
Сирларин сув ютган жабрдийдалар.

Кўзимга илмадим туйғуларингизни,
Сизга қаролмасдан кўзим қийналар.

Хатлар остонадан ҳайиқиб хатлар,
Ҳали ўқилмасдан йиртилган бари.
Ёки рангли, номсиз... эсимда ҳам йўқ,
Қизларнинг хотира дафтари.

Сабабсиз кўз ёшлар, покиза ҳислар,
Сиздан аяганим ширин сўзларим.
Мен қанча гулларнинг тўкдим ёшини,
Аммо кўнглим тўлиб битта узмадим.

Елкамда тўзғийди сочлар тўфони,
Кўксимга бош қўйиб эркаланган қиз.
Бағримдаги оғир оғриқларимни,
Кўксимга бош қўйиб англаёлмайсиз.

Ёлғизман. Ўксидим. Севмадим ўзим.
Сиз билган севгига фикрим ўзгарган.
Хўрсиниб, қўл силкиб қоламан энди,
Мени тушларида кўрган қизларга.

СИЗГА

Сиз ўтиб борасиз дунё бехабар,
Дунё этагидан ёниб боради.
Айни замон сизга кўринмас хатар,
Аҳли замон сиздан тониб боради.

Тушунсак бўлади, сиз моҳитабон,
Бизнинг мусибатга қарсак чалсангиз.

Фақат манзил эди, бизга қадрдон,
Сизнинг дарвозангиз, сизнинг дарчангиз.

Жодугар кампирнинг ҳийласи каби,
Деворлар тоғ бўлди, гул ёниб учди.
Кимларнинг қотди-ку дийдаси, лаби,
Сизнинг зулфингиздан қон томиб тушди.

Қандай туйғуларга бўлибман банди,
Кўксимни ёв уриб, дилни сонуриб.
Мени сеҳрлаган, сирлаган балки,
Нозик кафтингизнинг иссиқ ҳовури.

Сиз кетиб борасиз олис жудаям,
Йўлингиз бехатар, губорсиз, чангсиз.
Фақат мункайибди кўтаролмай ғам,
Бекадр дарвоза, ғариб дарчангиз.

ЁҒАР

Япроғи зар олмазор,
Тилло ёғар бошимдан.
Севги – бир пул, дил – бозор,
Савдо ёғар бошимдан.

Ҳар япроғи бир танга,
Ҳар танга ишқ – аланга.
Кўнгил ёрсам суйганга,
Жафо ёғар бошимдан.

Сизга эмас, суйганим,
Оғочларга суяндим.

Ёмон бўлдим, суюндим,
Баҳо ёғар бошимдан.

Сиз деб топтаган майсам
Қани ҳолига қайтса.
Ўпкаламанг: "Кулмайсан..."
Даъво ёғар бошимдан.

Япроғи зар олмазор,
Тилло ёғар бошимдан.
Айбимни кўм, эй хазон,
Хато ёғар бошимдан.

Куйманг, офтоб истарам,
Мен изтироб истарам.
Сиз истанг, хоҳ истаманг,
Бало ёғар бошимдан.

КЎНГИЛ БЕРДИМ

Чиройлими, йўқми, бармоқларингиз,
Нафармонми, кўкми, тирноқларингиз.
Менга ёқиб қолди титроқларингиз,
Сизга кўнгил бердим, сизга, дилдорим.

Қўлингиз титраши бекор гапмас бу,
Ажабланарлимас ва ажабмас бу.
Шунчаки таклифу ҳам талабмас бу,
Сизга кўнгил бердим, сизга, дилдорим.

Келинг, муҳаббатни бир гулхан дейлик,
Гулхан атрофида биз бўлган дейлик.

Бир севгидан дейлик, бир гулдан дейлик,
Сизга кўнгил бердим, сизга, дилдорим.

Дилдормисиз, йўқми, билмайди ҳеч ким,
Эҳтимол, буни фарқ қилмайди ҳеч ким.
Дилдорим, мен эса... мен майли ҳеч ким,
Сизга кўнгил бердим, сизга, дилдорим.

СЕНГА ШЕЪР

Ўтмишдан не келса, бариси илм,
Майли шафқат бўлсин, майли-да зулм.
Йигирмага кирмай, қара, севгилим,
Тарихинг узоқ мен билган қадимдан.

Кўрдим, ғамгусорлар сулоласини,
Манглайида ўйиқ оҳ-ноласини.
Ўқийман деганда хулосасини,
Чиқиб кетаверар боши ёдимдан.

Тошларга миллиард йил берган ҳисоблар,
Миллион йил ҳақида ёзган китоблар.
Ҳамма ҳайқириқлар, ҳамма хитоблар,
Кўҳнамас мен сенга ёзган хатимдан.

Қанча чўққиларни денгизлар ютди,
Тупроқлар ҳўплади гиёҳу ўтни.
Мана, ёзганим ҳам ўтмишга ўтди,
Янги тарих бошла муҳаббатимдан.

БУНДАН БУЁҒИ

Жазирамаданмас, сувсизликданмас,
Меҳримнинг кўпидан сўлган гиёҳим.
Кеча гул деганим бугун хору хас —
Хўрсиниб тургуси бундан буёғи.

Қуриркан ҳар қандай тўхтамас кўзёш,
Ва лекин шунчаки йўқламас кўзёш.
Афсуски, тақдирни боғламас кўзёш,
Афсуслар қилгуси бундан буёғи.

Райҳонлар тагида яшаш бошқача,
Бўйлари сочилса товон-бошгача...
Аммо хокисорлардан бағри тошгача
Бир бошдан кўргуси бундан буёғи.

Анорнинг гулини чироқ кўрганман,
Ёғдусида қанча титроқ кўрганман.
Бироқ сенда ундан кўпроқ кўрганман,
Қийноқда юргуси бундан буёғи.

Менда нима дард бор, бир кун тўкилар,
Лекин сенга қараб юрак ўкинар.
Кулишингни кўриб йиғлагим келар,
Йиғлашинг кулгили бундан буёғи.

ХАЛҚОНА

Узугингни осмонга от,
Ой бўлади.
Ой деганлар ё шоир, ё
Бой бўлади.

Битта қизни севар эдим,
Эсимда йўқ.
Эслаганим – гўзал эди,
Кўзлари чўғ.
Битта гапи кетмайди
Ҳеч хаёлимдан:
"Кўнгли тўла боласану
Қўли қуруқ".

Кўклам кутсам нуқул хазон –
Япроқ келди.
Юрагимни икки бўлиб
Чақмоқ келди.
Билмай қолдим қайдан тегди
Менга бу дард –
Ҳали ичмай туриб қўлга
Титроқ келди.

Бошларимдан кумуш сочар
Ёмғир. Бойман.
Гул кўнглимга бошқаларни
Боқтирмайман.
Шу сел олсин боримни ҳам,
Йўғимни ҳам.
Кўнглим олган бой қизларни
Ёқтирмайман.

Узугингни осмонга от,
Ой бўлсин деб.
Ой деганлар ё шоир, ё
Бой бўлсин деб.

Сочи олтин чоғи, қошу
Киприги ўқ.
Битта қизни севар эдим,
Эсимда йўқ.
Энди унга битта гапни
Айтгим келар –
"Кўнгли тоза боламан-да,
Қўлим қуруқ".

Тилла узук нари борса,
Ой бўлади.
Ой деганлар зўр шоир, ё
Бой бўлади.

КЕЛИНГ

Гулларнинг ёнида гуллардан сўлим,
Гулларнинг ёнида уйғонган гулим.
Гулларнинг ёнидан ўтмайди йўлим –
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

Сизга ҳаддим сиғмас капалакчалик,
Тасодиф йўлиқмас капалакчалик,
Пешонам ёруғмас капалакчалик,
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

Тебранинг, бошимга шабнамлар ёғсин,
Кўксимдан тизгача малҳамдай оқсин.
Борай десам, мендай йўқ ночор, йўқсил —
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

Мағрурлик ўтмайди гулга, чаманга,
Мағрурлик ярашмас ранги сомонга.
Бир яхшилик қилинг битта ёмонга —
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

Шунча оғриқ ёлғиз жон зиммасида,
Не жон кўрдим, бир армон зиммасида.
Мен ҳамма нарсадан кўз юммасимдан
Менинг ёнимга ҳам келиб кетинг бир.

НИЛУФАРЖОН

Нилуфаржон, айриликдан сўз айтсам,
Ҳинд куйидай осон сингар юракка.
Нилуфаржон, кўнглим эдинг, билмайсан,
Ким не билса, шуни тенглар юракка.

Нилуфаржон, билганим шу қорасоч,
Қорасочки, тўлғонарди бўйнингда.
Бармоқларим ғариблардай ухлаб оч,
Яна муҳтож уйғонарди бўйнингда.

Нилуфаржон, гулзормилинг, ўтмидим?!
Бир ниятга келолмадик одамдай.
Нелар ўтди кўнглингдан, мен ўтмадим —
Битта хаёл қилолмадик одамдай.

Нилуфаржон, сенсиз ҳаётим тушкун,
Сени ўйласам ҳам ундан мушкулроқ.
Мени қийнаб кўпроқ ёдимга тушгин,
Фақат кўпроқ, кўпроқ...

ЙИҒЛАДИНГИЗ...

Йиғладингиз қайғули
Овозингиз найдайин.
Сизга нима дей, гулим,
Айтинг, нима айтайин.

Хазонларни тўзғитиб
Юрганларим рост эди.
Қўйлингиз-ку қўзғатиб
Мен маст эдим, маст эдим.

Тошйўлакка бош қўйиб
Майсалар жон берганда.
Кўксимни кўзёш ўйиб
Қўлларингиз елкамда.

Гапирдингиз хокисор,
Сизга нима дей, ахир.
Менинг бошқа гулим бор,
Менда бошқа ўй, ахир.

Хазонбаргни ой деган
Кузни яхши кўраман,
Ҳечам йиғламайдиган
Қизни яхши кўраман.

Муҳаббат деб яшар-у,
Севиб ўлмас шоирлар
Фариштага ўхшар-у,
Одам бўлмас шоирлар.

КУТИШ

Фожеа – мен яна сизни ўйладим,
Кўзимга ўрлади мовий ранг тугун.
Ўзимни бир нима қилиб қўймадим
Дийдорни жудаям кутганим учун.

Беҳамроҳ толиқиб қоларкан олам,
Айлана – юз бора қайтиб ўтаман.
Қароқ нам, яноқ нам, кейин тупроқ нам,
Нега ҳалиям мен сизни кутаман?

Неча бор ўзгарди япроқлар ранги,
Неча бор тўкилди олмаларингиз.
Кетсангиз бўларди бепишон – мангу,
Яхшийди ёдимда қолмаганингиз.

Кунлар мезон бўлди, мезонлар хазон,
Қўл тегмай тўкилди атиргулларим.
Менинг ишонганим, кутганим ёмон,
Сиз энг бешафқат қиз, шудир билганим.

НОЗИНГ

Нозинг билан чиқишмайди жон,
Шу юрагим – оғриган ерим.
Лабларингдан тўкилгудай қон,
Манглайингда тўрт қатор шеърим.

Ўйлаганинг сайин бегона,
Унутганинг сайин қайтаман.
Навбатдаги тушингда яна,
Ёмон эмаслигим айтаман.

Бугун сен ўзингдан норози,
Бугун мен ўзимдан кечгим бор.
Илк бор ғариб чиқди овозим,
Илк бор сенинг учун ичгим бор.

Кўнглинг билан келишмас сира,
Қайсар дилим — оғриган ерим.
Бир умрга номсиз хотира —
Пешонангда тўрт қатор шеърим.

* * *

Ман балои сар бўлдим,
Сан давои тан бўлдинг.
Дарди дарбадар бўлдим,
Сан зулфи каманд бўлдинг.

Ишқ тийғи кўксимдадир,
Изладим ўксиб надир.
Бағрим ёриқ, юз ёруғ,
Сан нури шаман бўлдинг.

Райҳонсан — райи хонсан,
Ҳоқонсан — пойи жонсан.
Ёр, враслинг бор қатлингла,
Зиндони чаман бўлдинг.

Кокилингни ёзмағил,
Бордур йўлдан озмоғим.
Қайдан топгум юзингни,
Сочлари туман бўлдинг.

Бош урмоқлик иш бўлди,
Сиғинганим ишқ бўлди.
Манинг кўнгил фалакда,
Санам бир санам бўлдинг.

ВИДО

Ўпиб видолашдим сочларингизни,
Йиғлаб кузатдилар чувалиб издан.
Ҳали ҳам кўзингиз очмадингизми,
Воз кечиб кетсам ҳам энг гўзал қиздан.

Ўзини аямай ирғитар япроқ,
Кун сайин ўзанга сингиб борар сув.
Юзини хазонга яширар тупроқ,
Тобора шайтонга айланар сулув.

Хотир олислайди булутдек кўчиб,
Кўнгил ҳақида ўй — шунчаки эрмак.
Сизни яна бир бор ўйламоқ учун
Яна бир хиёнат қилишим керак.

Сизга ҳам, менга ҳам олий жазо шу:
Юз буриб ўтаман энг яхши қиздан.
Кўз очиб кўрганим бўлардингиз-ку,
Кўз юмиб бўлмайди гуноҳингиздан.

АЙЛАНИШИ МУМКИН...

Айланиши мумкин жодугар қизга,
Шамшир гул бўлиши менинг эҳтимол.
Фақат сиз ва менинг масофамизда
Ҳақиқатта айланмас висол.

Ойга ўқ узсангиз қулаши мумкин,
Уриши ҳам мумкин пойингизга бош.
Фақат дўст чиқмас, йўқ кўнгилнинг юки,
У оддий бир йўлдош.

Ақлга сиғади қадаҳда денгиз,
Қайиқ қилиб кетса бўлар қулдонни.
Фақат кўролмайман, тасаввур ожиз,
Йиғлаётиб чиндан кулганни.

Тушундим, севганим менга охират,
Кўрдим манзилимни олисдан элас.
Фақат сизга кўнгил қўйиш, соҳирам,
Ҳақиқатдан ҳақиқат эмас.

МАКТУБ

Унутгим келмади,
Келмади омадим.
Сизни эслайвердим, ёзавердим шеьр.
Шунча пайт хат ёзмай кимни аядим,
Энди одамлар ҳам нима деса дер.

Деворга суйкалди кафтларим ночор,
Тунчироқ нурлари кўзимга ботди.

2008/67
А6154
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Қандай йиғласангиз шундай беозор,
Беозор гапириб сизни йўқотдим.

Китобнинг қайрилган вароғи хотир —
Бизга ёқиб тушган энг гўзал байтлар.
Биласиз, бормайман — ширин хавотир,
Биламан, келмайсиз, хаёл бўш қайтар.

Шунча пайт гапирмай кимни аядим,
Шунча пайт ёдимда дудоғ, бўса, ғам...
Унутгим келмади энг яхши дамим,
Сизни эслайвердим гуноҳ бўлса ҳам.

АРМОН БЎЛДИМ

Армон бўлдим дилингга,
Армон нима билмадим.
Сен азоб еб кулдинг-а,
Азоб бериб йиғладим.

Севдинг жонингни қийнаб
Севилмаган қиз ўзинг.
Дийдоримга зор дийданг
Бугун ҳам ёлғиз ўзинг.

Юз бермайди мўъжиза
Юз бор ўтгин оламдан.
Сен шунчаки ожиза,
Мен шунчаки одамман.

Куйгим келмас тафтингдан,
Жонингдан ўтгим келар.

Ғубори йўқ кафтингдан
Бир тўйиб ўпгим келар.

Севдинг, сенда йўқ айб,
Севолмаган ўзимман.
Раҳмат кутдим сендайин.
Мен ҳам севган ёримдан.

ХАЙР

Хайр, жоним, ҳайрона
Бўлма энди гапимдан.
Ёлғиз онам гирёна
Уйга қайтмаганимдан.

Фақат ишққа эгилиб,
Мен агарда яшайман.
Тош дилингга қасд қилиб,
Тош шаҳарда яшайман.

Хайр, жоним, кўнглим тўқ,
Сочингни бос кўксингга.
Ўксийдиган синглим йўқ,
Боғкўчамдир ўксинган.

Шунча қурбон бўлар кам
Шум муҳаббат уйига.
Кетмон чопсам бўларкан
Қиз севишнинг ўрнига.

Бари йўл ҳам тош бирдек —
Тош бошимни алдайман.
Мен ҳам ҳамма шоирдек
Суйганимни олмайман.

Хайр, жоним, гоҳида
Билмай йиғлаб куйимагин.
Эслама алоҳида,
Ўзинг билан ўйлагин.

ДИЛ

Дил нима-ю, дил эгаси ким бўлармиш,
Дард орттани сайин ҳамдард жим бўлармиш.
Олисларда қийналармиш мени эслаб,
Бир қиз йиғлаб кўз ёшлари сим бўлармиш.

Билганим шу, кутган кўзни гард босмайди...
Йиғлар фақат, эслар фақат, хат ёзмайди.
Шундоқ кутиб куяверар ўзини деб,
У қиз мендан кўнгил сўрмай аразлайди.

Чап кўксимда муштдек ёкут — мулким оғир,
Қайғуларим оғир менинг, кулгум оғир.
Кел, елкангдан бир кучайин, дардингни бер.
Аммо нозик елканг учун юким оғир.

Бир хўрсинай, сочларингга шамол тегсин,
Гул юзингни кўкрагимга томон этсин.
Қучоғимда олиб қолай нафасингни,
Бир нафасда бор умримни тамом этсин.

Дил ўксиган сари дилдош жим бўларкан,
Чин йиғласанг, кўз ёшларинг сим бўларкан.
Ёлғизингдан йироқ кетсанг ёлғиз бўлиб,
Эслаганинг қадрдон исм бўларкан.

ҚЎШИҚ

Ёмғир ёғди йўлимга,
Йиғладингми, гулжоним.
Раҳм қилмай дилимга,
Оғрийверди бу жоним.

Бўстон эди бу кўнгил,
Осмон эди бу кўнгил,
Шўрқўрғонлик бир қиз деб
Йиғлайверди осмоним.

Эсладинг, қийноқ бўлди,
Бармоқлар титроқ бўлди.
Сочингга ёққан хазон –
Лабларим япроқ бўлди.

Умидлари омон қиз,
Соғинчлари пинҳон қиз.
Оқ тупроққа тўкилиб,
Ўтиб борар армон қиз.

Маъюсмиди кунларинг,
Маъюсмиди кулганинг.
Кулгин, янграсин кулгинг,
Кўз ёшимдан унганим.

Ёмғир ёғди йўлимга,
Йиғладингми, гулжоним.
Раҳм қилмай кўнглимга,
Оғрийверди бу жоним.

Эй, ўзимдай ёмоним,
Бир ёқимли ёлғоним:
"Бир кун гулга тўлармиш
Шўрқўрғоннинг осмони!"

ҚИШНИ ИНКОР ҚИЛАР...

Қишни инкор қилар гуркираб майса,
Сукутни тан олмас баҳорий чақмоқ...
Менда вужуд қайсар, менда руҳ қайсар,
Мен сени севаман, Лолақизғалдоқ.

Имкон кетган кунда келган бу дардим –
Ҳатто эслашга ҳам қолмаган ҳаддим.
Фурсатни бой бериб, бахтли бўлмадим...
Мен сени севаман, Лолақизғалдоқ.

Иқрордан ҳайиқдим ва ҳамон жимман,
Балки иқроринигни кутган элим мен.
Шеър айтиб, ўзимни овутмоқчиман...
Мен сени севаман, Лолақизғалдоқ.

ҚИЗГА ХАТ

Оғирдан оғир ҳаво,
Пинжимга суқилади.
Соғинаман, аввало,
Кейин дил сиқилади.

Кўзим юмсам, кўзимга
Ҳиссиз оқ ер кўринар.
Булутлари тўзғиган
Осмонлар кир кўринар.

Қанча оламлар тўсиб,
Тиклолмайман тушимни...
Ҳар кун менга хат ёзиб,
Ҳар куни йиртишингни.

Оғирдан оғир хаёл,
Ҳаволар ҳам ғуссали,
Кутмаса бир гулжамол,
Бир ёрим бор, демаса.

Юз йил совуқда яшаб,
Қуёшни унутгандай.
Хулди керакка ўхшаб
Яшамоқ мумкин қандай?

Севгидан майда гаплар
Изланмайди аслида.
Ҳақиқат бу, суйганлар
Эсланмайди аслида.

Ўйланаман ютоқиб,
Истайман бир хоҳишни.
Аввал хатингни ўқиб,
Кейин ўтга ёқишни.

РЎМОЛИНГ ЕЛКАНГДА...

Рўмолинг елкангда. Пахта терасан.
Боз эгат тугамас йўл кўринади.
Шунда кўксингга бир муштинг тирасанг,
Юрагинг бир сиқим кул кўринади.

Кафтларим теккандек титраса майса,
Нафасим етгандек титраса майса,

Этакка юз босиб йиғлаб эслайсан,
Ғўзанинг шонаси гул кўринади.

Кўнглинг хувиллайди пахтазор каби,
Исмим айтавериб ёрилар лабинг.
Кетганим гуноҳим, кутганинг айбинг...
Гиёҳлар силкинган қўл кўринади.

Жоним ачишади ортга қарасам,
Туманлар ичида ёлғиз борасан.
Биламан, кузни ҳам ёмон кўрасан...
Кузда қуёш нури ҳўл кўринади.

Мунисим, шу чоғда сендан ғариб ким,
Оёғинг увишиб ўлтирасан жим.
Сен каби мениям келганда кўргим
Кўзимга дунё бир пул кўринади.

БЎЛСИН

Нафасингдан уйғониб
Кўрсам, кўнгил бор бўлсин.
Сўзларингдан бол томиб,
Суҳбатинг дилдор бўлсин.

Ойдан оқиб зарҳал ранг,
Нурдай таралса оҳанг.
Бармоғим орасида,
Сочларинг чилтор бўлсин.

Эрка ҳис-да, эрка лаб,
Бир қийнасам эркалаб,

Йиғласанг доғ билинмас,
Кўйлагинг гулдор бўлсин.

Қачон хўрсиниқ учгай,
Хўрсиниқдан шам ўчгай.
Энди келмасин такрор –
Бу роҳат бир бор бўлсин.

ЁМҒИР

Ёмғирни севардим сени топгунча,
Эҳтимол, сувпараст, куйпараст эдим.
Ёмғирдан гўзалроқ келдинг, гулғунчам,
Ёки мен дунёга янгидан келдим.

Қай шамол уфоринг менга йўллади,
Қайси тоза кунда сени кутгандим.
Бунгача бунақа севги билмадим,
Тўғриси, унутгандим.

Ёмғир. Ҳар бир томчи ерни титкилар,
Мен эса титаман кўнглингдан ични.
Бармоқларим куйли сочингни силаб,
Кўзингга тик боқиб қасамлар ичдим.

Дераза ёнида иккита ҳадик –
Иккита телбани кўрганми олам?
Биз бундан чиройли кунни кўрмадик,
Биз бундан бошқани истамасдик ҳам.

Ёмғир чалганмиди айрилиқ куйни,
Манглайдан дил қадар сирғалади сув.

Гулим, мен афсуслар чекмасдан куйдим,
Ахир мен севгимни айтиб бўлдим-ку!

Биламан, ўшандан бери ёлғизсан,
Ўша кундан бери юзинг қирмизи.
Гулим, мени эслаб, совуқни сезсанг,
Деразанг ёпиб қўй, ёмғир кирмасин.

НИМА ДЕСАНГ...

Тасодифми, тақдирми,
Гул бўлиб дуч келганинг.
Лол қолдирди ақлимни,
Меҳримга ўч келганинг.
Икки жонга бир ришта
Боғлангани – муҳаббат.
Одамману фаришта
Хоҳлаганим – муҳаббат.

Нима десанг, ўзинг айт,
Не куйласанг сен куйла.
Менинг жоним чиқар пайт
Менинг жоним деб куйма.

Сочмиди бу, гулханми,
Оёғимга ўралган.
Бунақаси бўлганми –
Оловдан қиз яралган.
Тасодифни, тақдирни
Енгил демас одамзод.
Йиғлаш, кулиш вақтини
Белгиламас одамзод.

Нима десанг, ўзинг айт,
Не куйласанг сен куйла.
Менинг жоним чиқар пайт
Менинг жоним деб куйма.

Йиғламадинг, кулмадинг,
Эслатмадинг тақдирни.
Фариштадай келганинг
Киргизмади ақлимни.
Сочи билан танамни,
Ёқмагани қиёмат.
Фаришталар одамни
Хоҳлагани – қиёмат.

КЕЧИКИШ

Иброҳимга

Тўйдан қайтар иккита соя,
Икки орзу тўйдан қайтади.
Иккисига бир сўз кифоя...
Ким биринчи бўлиб айтади?

Тун қўйнида сигарет тутар,
Қоронғуда сирғалар рўмол.
Термилишиб қанча вақт ўтар,
Фақат сўзлаш жудаям маҳол.

Зерикади забарласт елка,
"Уф" тортади нозик бармоқлар.
У ўйлайди: "Сўзласин эркам"
Бу кутади: "Балки қучоқлар".

Баҳона бир – одобдан бўлмас,
Иккисида шу иддаодир.
Қучмоққамас, сўзламоққамас,
Икковиям кутмоққа қодир.

Тўйдан қайтгар иккита соя,
Икки армон тўйдан қайтади.
Кун сайин тўй мавсум ниҳоя
Ҳамон "ким биринчи айтади?"

Тугаб борар тўйлар мавсуми.

КЎРГАНИМ

Кўрганим, паришон бўнги сочларинг,
Хаёлинг паришон изимни кутиб.
Ўзингга заркашан бўпти сочларинг,
Ўтяпсан тақдиринг измини кутиб.

Кўрганим, тиғ теккан япроқ лабларинг
Иккига бўлинган юракдек қондир.
Менга ёлғон бўлсин ҳануз гапларинг,
Майли, алдаб бўлсин, ўзингга қондир.

Кўрганим, кўзингдан ёш чиқар гоҳи,
Майли, синиқ бўлсин бор-ку, табассум.
Отангнинг измидан чиқмай, йиғлоқим,
Бўғзингдан чиқолмай қолди-ку, исмим.

Кўрганим, чеҳрангга тўймайин кетдим,
Тўлмайин ҳам кетди бу кўнгли кабир.
Бугун ёлғиз сени тинглайман дедим,
Ўзгадан гапирма, ўзингдан гапир.

Кўрганим, юзингда умид бор ҳамон,
Ҳали юрагингда орзулар тўкис.
Дил бердинг кафтимга куйгандайин жон,
Жонингни қаерда сақлайин, эй қиз.

Кўрганим, ранглари кетяпти гулнинг,
Ғашга тегиб ўтар эскирган тилак.
Сен ва мен асраган энг буюк дилни
Ҳеч ким кўрмаяпти бизлардан бўлак.

ҲАНУЗ

Ҳануз ер бағридан келмади ҳовур,
Кечикди бу сафар қалдирғочларим.
Кўксинг ёролмади кўзимдаги нур,
Ҳануз юрагингни менга очмадинг.

Гулларим очилди қон бағри лим-лим —
Бир қошиқ қонини ўтинган ошиқ.
Сен очиқ дарчага суянганча жим,
Дейсан, аллақачон орамиз очиқ.

Очиғи, ўзингни аядинг, билдим,
Гўёки асрадинг минг йиллик сирни.
Мен эса аямай кўксимни тилдим,
Манглайимга очгим келди тақдирнинг.

Сенга дил очганим гуноҳим эмас,
Кўрасан, ўзини оқлар сочларим.
Фақат сўнгги нафас — охирги ҳавас,
Истадим, кўнглингни менга очмадинг.

Кўнглинг оч, кўзимнинг очиқлигида.

МУНДАРИЖА

Ёшлик кундалиги

Соғиндим....3
Мумкин....4
Кутдингиз....4
Сизга....4
Ёғар....6
Кўнгил бердим....7
Сенга шеър....8
Бундан буёғи....9
Халқона....10
Келинг....11
Нилуфаржон....12
Йиғладингиз....13
Кутиш....14
Нозинг....14
«Ман балои сар бўлдим...»....15
Видо....16
Айланиши мумкин....17
Мактуб....17
Армон бўлдим....18
Хайр....19
Дил....20
Кўшиқ....21
Қишни инкор қилар....22
Қизга хат....22
Рўмолинг елкангда....23

Бўлсин..24
Ёмғир..25
Нима десанг..26
Кечикиш..27
Кўрганим..28
Ҳануз..29

Адабий-бадиий нашр

Носир Жўраев

УЛҒАЙИШ КУНЛАРИ

Шеърлар

Муҳаррир *Аброр Қиличев*
Мусаввир *Олег Холодняков*
Бадиий муҳаррир *Анатолий Бобров*
Тех. муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

ИБ №4712

Босишга 11.07.08 йилда рухсат этилди. Бичими 70х90 $^1/_{32}$.
Times гарнитураси. Офсет босма. 1,17 шартли босма табоғи. 1,5 нашр табоғи. Адади 1000 нусха.
270 рақамли буюртма. 74–2008 рақамли шартнома.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
100128. Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz